

ФИЛОЛОГИЯ

УДК: 894.375 (09).

«БОЗОР»ДА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

А.Қосимов

В статье анализируется роман Х.Дустмухаммада «Бозор» как философско-символическое произведение. Вместе с тем исследуется художественно-эстетическая функция символических образов романа.

The novee of Dusmuhammad "Bazaar" is analyzed as the phylosopical-symbolic work in this article there is also investigated the esthetic function of symbolic characters.

Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи 2000 йили нашр этилди. Асар ҳақида дастлабки жиддий фикр билдирган У.Норматов «Бозор»га «Ўтган кунлар» билан бошланган XX аср ўзбек романчилигининг муносаб якуни деб баҳо беради ва Отабек ҳамда Фозилбек образларини ўзаро қиёслайди. [1]. Биз ҳам «Бозор»ни сўнгги йиллар ўзбек романчилигининг эътиборга молик романи деб ҳисоблаган ҳолда асар ҳақидаги баъзи мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Романнинг пайдо бўлиши ва унда кўтарилган проблематика дунёда ва шу жумладан ўзбек жамиятида содир бўлаётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Дунёнинг олтидан бири деб аталувчи собиқ Иттифоқ ва бошқа ҳудудларда бозор иқтисодиёти шароитида кишилар онги, дунёқариши ҳамда ҳаётидаги ўзгаришлар жуда кўп ахлоқий, фалсафий, маънавий нормаларга бўлган муносабатни ўзgartирди. Аввалги даврларга нисбатан бирмунча қийинлашган иқтисодий, ижтимоий шароит кишиларни тирикчилик деб аталувчи жабҳада баҳоли қурдат жавлон уришга мажбур қилиб қўйди. Натижада, маънавий-маърифий масалалар пул топиш, тирикчилик ўtkазиш олдида иккинчи, ҳатто учинчи даражали ишга айланиб борди.

Муаллиф бутун жамият тасвирини қамраб олиш учун эпик турнинг кенг имкониятга эга бўлган жанрига мурожаат қилди. Бундан ташқари, ҳаёт моделини бадиий талқин этиш учун мажозий-фалсафий тасвир тамойилларига таянишга тўғри келди.

Адабиёт тарихига назар ташлар эканмиз, ҳаётни, кишилик жамиятини тасвирилаш учун турли рамзий, мажозий образларга мурожаат қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Б.Шоу XX аср бошидаги Англия жамиятини тасвирилаш учун «Юракларни тилка-пора этгувчи хонадон» асари воқеаларини капитан Шатовернинг кема шаклида қурилган уйига кўчиради. Бу уй капитансиз кемага қиёсланади. Оила аъзолари эса, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарни кутаётган ўйловчиларни ёдга соладилар. Ёки Албер Камю «Вабо» романida иккинчи жаҳон урушидан кейинги француз ва Европа жамиятини ўлат эпидемияси тарқаган кичик бир шаҳарга қиёс қиласди.

Умуман, инсонлар жамиятини турли рамзий образлар орқали ифода этиш адабиёт учун янгилик эмас. Лекин Х.Дўстмуҳаммад бу борада оригинал бир рамзга мурожаат этади – инсонлар ижтимоий ҳаётидаги, муҳим ўрин тутувчи бозор тимсолидан фойдаланади. Маълумки, инглиз ёзувчиси Уилям Теккерей «Шуҳратпарастлик ғулгуласи» романидаги XIX аср Англия жамиятини худбинлик ва шуҳратпастлик иллатлари «кўз-кўз қилинувчи» бозорга қиёс қилган. Ушбу қиёс Х.Дўстмуҳаммад тасвирга олган том маънодаги шарқона бозор тимсолидан фарқ қиласди. Ўзбек ёзувчиси бозор рамзидан У.Теккерей сингари инсон табиатидаги маълум бир қусурларни сатирик планда акс эттириш учунгина фойдаланмаган. Аксинча, ушбу тимсол орқали ер юзидаги барча инсонлар ҳаёти мажозий равища қамраб олинган. Шарқни барча нарса сотилувчи ва сотиб олинувчи бозорларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Шунинг учун классик адабиётда ҳам, замонавий шеъриятда ҳам ҳаётни бозорга қиёслаш, ҳаёт

қонуниятлари тартиб-қоидаларида бозордагига ўхшаш ҳолатларни күриш учраб туради. А.Ориповнинг:

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам топмадим асло,
Молим ёмон деган бирор кимсани.

Мисралари бунга яққол мисол бўла олади. Лекин эпик асарда бутун аср воқеаларини бозорга кўчириш, бозорни романдаги барча силсилалар маркази этиб белгилаш жиҳатлари деярли учрамаган эди.

Муаллиф бозорга шундай таъриф беради: «...Одамларнинг ичини кўриб, томоша қилиб юриш борасида бозордан қулайроқ жой йўқ дунёда... Бозор – дунё...»[2]

Асар бошланишидаги сўз ўйинига асосланган эпиграфданоқ, роман мазмунидаги ўзига хослик, фалсафийликка ишора берилади:

...ор
..зор
.озор
бозор

Бозорни биз ҳаёт макети деб атар эканмиз, у ҳеч қачон тўхтамаган. Ҳаёт мавжуд экан, тўхтамайди ҳам. Асар қаҳрамони Фозилбекнинг бозор ҳақидаги мулоҳазалари эътиборга молик: «...Бозорни англаб етмоғимиз даркор!... Бозор ҳеч замонда ўзгаришдан тўхтамаган, лекин бозорнинг ўзгаришларига яраша одамлар ҳам ўзгарган, ўзгаришга мослашишга улгуришган. Энди эса оддий одам тугул, сизу бизга ўхшаш етти пушти бозорчи ўтганлар ҳам ўзгаришда, янгиланишда бозордан а-анчагина орқада қолиб кетяпти...»[3] Инсонлар жамиятининг кўплаб қайгулари, таназзул ҳолатлари олиш эвазига бериш мувозанатини бузилишидан келиб чиқади. Муаллифнинг фикрича, олиш ва бериш дунёни остин-устун бўлишидан сақлаб турган посангиdir.[4] Нафс деб аталмиш балонинг тўхтамаслиги ёруғ дунёдаги оғату балоларнинг кўпайғандан кўпайшига олиб келади. Демак, ҳаётдаги барча нарса буюк мувозанат қонунига бўйсунади. Куннинг ҳам нафси бор, лекин у кундузга тўядими, йўқми вақт-соати етганда тепасидан босиб келаётган тунга жойини бўшатади. Тун ҳам ўз нафси билан оламни комига ютиб ётса-да, бомдод азони пайтида гойиб бўлади. Яъни, кун ҳам, тун ҳам вақтида нафсини тия билади. Улар боқиё мувозанат тимсоллариdir. «Бозор»да ана шундай мувозанат бузилиши белгиларидан бири деб, инсонларни мулоҳаза юритишлари, фикрлаш қобилиятларидан мосуво бўлаётганлари деб тан олинади. Фозилбекнинг фикрича, «Бозор кишилари хаёл (фикрлаш, мулоҳаза юритиш – А.Қ.)дан кўра ҳаётга яқинроқ, аммо лекин бозорнинг гуллаб яшнаши учун ҳаёл ҳам керак, ўйлов ҳам керак».

Асар бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига қурилганлигини таъкидлаш лозим.

Рамзда ҳаётний воқеа, тушунча ва нарсалар бирон бир предмет, ҳайвонлар, маълум воқеа ва ҳодисалар хусусиятлари орқали ифодаланар экан, унда доимо яширин ўхшатиш ётади. Демак, романнинг ўзига хос тилини уқмай туриб, уни тушуниш асарга яширинган теран, фалсафий мазмунни англаб етиш қийин бўлади.

Адабиётшунос Д.Куронов асар бадиий фалсафасини учта асосий образ – бозор, чойхона ва қироатхона тутиб туради деганида мутлоқо ҳақ эди [5]. Ҳақиқатан ҳам, романдаги бошқа барча образлар ана шу «учлик» атрофига тўпланган. Учликдаги бозордан кейинги мажозий образ – қироатхона. Қироатхона ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Лекин бу жамиятда қироатхонанинг аҳволи танг. Қироатхона рамзи ортида, бизнинг назаримизда, маърифат, маънавий дунё тасвири берилган. Қироатхона тимсолидаги маънавиятсиз ҳаёт маъно ва мазмунини йўқотади. Усиз инсон ҳаётини қоронгулик қоплайди. Қироатхонанинг ўрни ҳақидаги мулоҳазалар романда Фозилбек ва Қадрия диалоглари орқали берилган:

«Хозирги пайтда ҳеч ким йўлсизликдан чўчимаса ҳам бўлаверади. Чунки, хозир ҳамма йўллар бозорга олиб боради...

Негаки бозор майдони пастлик, сатҳи теварак-атрофга қараганда а-анча пастлик. Салгина ҳушёрликни бой берган одам пастликка қараб тарвуздек думалаб тушаверади.

Ҳовузга ўхшайди...

Суви қуриган ҳовузга...

Одамлар баҳорги тошқин сувдек бозор майдонига оқиб тушади...

Ва фарқ бўлишдан кўркиб...

Сувсиз ҳовузда ҳам фарқ бўладими?

Бозор – сувсиз бўлса-да, одамларни фарқ қиласидиган ҳовуз.

Унга фарқ бўлмаслик учун...

Фарқ бўлаётганини англаб етиши керак. Кейин...

Кутулиш чорасини...

Кутулиш учун тепага интилади, бозор тубидан... Ҳовуздан чиқиб олишга интилади.

Интила-интила қироатхонанинг пойидан чиқади.

Тўғри, жуда тўғри – бозор тубида қолиб кетишдан қироатхона қутқаради.

Бозор майдони қадимда «теп текис бўлган» дейишади...

Бозорга айлангач, даврлар ўтиши билан чўка бошлаган... Нафс бандаларининг найранглари ва суллоҳликларини кўтара олмай ер чўккан...»[6]

Демак, қироатхонани жамият маънавий қиёфасининг рамзи деб билиш лозим бўлади. Муаллиф жамиятдаги маънавий муҳитнинг оғриқли нуқталарини бадиий тадқиқ қилишни мақсад қиласар экан, ҳалқ орасида маърифат ва зиё маскани деб аталувчи кутубхона тасвиридан ўзига хос тарзда фойдаланган. Бозорда савдо-сотиқ авжига чиқиб, пулнинг қудрати худога тенг бўлган бир пайтда унинг ёнидаги қироатхона биноси тўқилай деб турибди. У ерда аслида бозордаги қимматбахо буюмлардан-да қиммат бўлган тафаккур дурданалари – китоблар заҳ, мотор босиб ётибди. Фозилбек таъкидлаганидек, фикрлаш фарз экан, ақл-идрок мевалари бўлган китобларни сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш ҳеч қаҷон ёддан чиқарилмайдиган ишдир. Акс ҳолда, ҳаётдаги мувозанат изидан чиқади ва бу инсон ақли бовар қилмайдиган кўргуликларга олиб келиши мумкин. Х.Дўстмуҳаммад шунинг учун ҳам бозордаги нафс балосига мубтало бўлган оломон ичидан маънавият учун жон куйдирувчи инсонлар Фозилбек ва Қадрияни романтик планда тасвирлайди. Улар тобора чўкиб бораётган бозорни ҳалокатдан кутқариш йўлини қидирадилар ва маънавий ривожланишининг ягона тўғри йўл деб биладилар.

Асардаги учинчи рамзий образ – чойхона. Муаллиф асар давомида чойхона ва чойхонадаги фаройиботлар ҳақида бир неча бор йўл-йўлакай сўз юритади. Ўқувчи тасаввурида Шарққа, айниқса, Ўзбекистонга хос бўлган чойхона манзараси гавдаланиши муқаррар. Турли йиғинлар ва гап-гаштакларни ўтказиш манзили бўлган чойхоналар бизнйинг юртимизда азалдан оддий чойхўрлик қилиш масканидан кўра анча кенг – ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб келган. Бу ерда бир пиёла чой устида инсонлар маънавий оламини бойитишга хизмат қилувчи тадбирлар – ғазалхонлик ва достонхонликдан бошлаб маҳалла, юрт тақдири билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий мавзулардаги сұхбатлар, мунозаралар ҳам уюштирилиб турган. Бир сўз билан айтганда, чойхона нафақат чойхўрлик қилиб дам олиш, балки ижтимоий фикр маркази ҳам ҳисобланган. Муаллиф асар бошиданоқ бозор қошидаги чойхонадаги баъзи ишлар ҳақида йўл-йўлакай сўз юритар экан, ушбу маскан билан боғлиқ қандайдир сирлилик аломатлари эътиборни торта бошлиди. Ушбу сирлилик романнинг 18-қисмида Қосимбек оқсоқол ва Фозилбек сұхбатидан сўнг янада ошади.

Умуман, чойхона жамиятни таназзулга олиб борувчи барча иллатларнинг макони сифатида тасвирланади. У ердаги дараҳт шохидаги ўтирган ножинс махлук оғиздан оқаётган сұлакдан «баҳра олаётган» барча кишилар қалбини лоқайдлик, худбинлик эгаллаб олади.

Бундан ташқари, муаллиф романнинг бош қаҳрамони Фозилбек ва Қадрияниң сурати ҳамда сийратини исмларига мос қилиб тасвирлайди. Яъни исмлар ўз соҳиби ким эканлигини билдирувчи белги вазифасини ўтайди. Бу борада Х.Дўстмуҳаммад ўрта асрлар дидактик адабиёти, хусусан, Юсуф Ҳос Ҳожиб анъаналарига мурожаат қилган. Романинг ўқир экансиз, Фозилбек тимсолида бир қарашда бозорсиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган, бир қарашда ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўй-хаёлларга фарқ бўлган йигитни кўрамиз. У бозор учун бегона, ушбу дунёда ёлғиз. (Кейинчалик унинг кўнглидаги ёлғизлик саҳросида иккинчи бир киши – Қадрия пайдо бўлади). Фозилбек жуда кўп жиҳатлари билан М.Ф.Достоевский «Телба»сидаги княз Мишкинни ёдга солади. Муаллиф таъкидлаганидек, бозорга Фозилбекка ўхшаш телба-девоналар ҳам керак. Асар асосини ана шу йигитнинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, тафаккур оқими ташкил этади. Фозилбекнинг бозорни кузатишлари асосида дунёга келган фикрлари Сент-Экзюпери «Кичкина шаҳзода»сидаги Шаҳзода, А.Камю «Вабо»сидаги доктор Риэларнинг афористик мулоҳазаларини ёдга солади. Мана ўша мулоҳазаларнинг баъзилари: «Бирор инсоннинг бозорни тўла тушундим, уни истаганча измимда тутиб турман, дейишининг ўзи – унинг тушунмагани аслида!» (143-бет); «Хаёлини йўқотган бозор ўзини ҳам йўқотади. Ҳаёт суннат бўлса, хаёл – фарз!» (84-бет); «Гап нима дейишда эмас, энг оддий сўзни ҳам беғуборлик билан, меҳр-муҳаббат билан аита олишда...» (66-бет).

Демак, «Бозор» - рамзий-фалсафий асар. Ундаги бозор савдо-сотиқ ишлари амалга оширилувчи маскан эмас, балки ўз бағрига ҳаётнинг барча унсурларини сифдира олган борлиқнинг рамзий тимсолидир.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Норматов У., Куронов Д. Романинг янги умри// Жаҳон адабиёти, 2001 №9. 185-б.; [2]. Дўстмуҳаммад Х. Бозор. Шарқ нашриёт матбаа концерни. –Т.: 2000, 11-б.; [3]. Ўша асар. 38-39-б.; [4]. Ўша асар 79-б.; [5]. Норматов У., Куронов Д. Романинг янги умри. 187-б.; [6]. Дўстмуҳаммад Х. Бозор. 179-180-б.

Умумий тилшунослик
ва хориж адабиёти кафедраси

Қабул қилинди:
24.09.2004

УДК: 034.

АТАМАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ (ЕНГИЛ САНОАТ АТАМАЛАРИ АОСИДА)

Н.А.Каримова

В статье рассматриваются проблемы, возникающие при составлении технического терминологического словаря в сфере текстильной и легкой промышленности.

The problems coming out of compiling technical terminological dictionaries in the field of textile and light industry are given in the article.

Айрим тилшунослар атамаларни алоҳида манба ҳисоблаб, уларни луғавий бирликлар таркибида эмас, балки ёпиқ, алоҳида система сифатида талқин қилишни таклиф этадилар [1].

Кўплаб тилшунослар эса атамаларни лексик системанинг таркибий қисми сифатида урганиш тарафдоридирлар. (О.С.Ахманова, В.В.Виноградов, Б.Н.Головин, В.Д.Даниленко, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский ва бошқалар). Академик В.В.Виноградовнинг қўйидаги мулоҳазаси юқоридаги фикримизни тасдиқлаши мумкин:

«Илмий ва майиши луғат орасидаги алоқа бевосита ва зичдир. Ҳар қандай фан ҳалқнинг нутқи ва тафаккури билан қўлга киритилган натижалардан бошланади ва ўзининг кейинги ривожида ҳалқ тилидан ажралмайди». [1]

Атама-лексик бирликнинг ёки лексик-семантик системанинг бир бўлаги ҳисобланиб, у умумий тилшуносликдаги ҳамма қонуниятларга бўйсунади ва тил